



100 китоб
түплами

КУНГАБОҚАР ЕТИШТИРИШ



43-китоб

AGROBANK

100 китоб тұплами

КУНГАБОҚАР ЕТИШТИРИШ

43-китоб



633.8
K 92

**Кишлоқ хұжалигини илмий асосда йұлға құймас
эканмиз, соҳада ривожланиш бұлмайды.**
Ш. МИРЗИЕВ.

Хурматли деңқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, тақатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манбаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ҳашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йыл 29 декабрь күні Олий Мажlisiga یүллаган Мурожаатномасыда, камбағаллардың қысқартиришін және қишлоқ ауылдарының күпайтиришіндең төзімдіктерін орталықтандырып, қишлоқ хұжалигында хосилдерлік жағдайлардың көзделілігін арттыру миссиясынан шынайы жағдайда қарастырылады.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги үртаса 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб күйилди ва қышлек хұжалигига әнг илфор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютукларни әнг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

"Агробанк" АТБ мамлакатимизда кишлоқ хұжалиғи соҳасининг барқарор сизволжанишига ҳисса құшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойихалар билан ҳам аграп соҳага сармоя киритишга әзтибор қаратмоқда.

—младан, ривожланган давлатлар кишлоқ хұжалигыда эришилган ютуқлар тажрибалар асосида соғаннинг етүк мутахассислари, олимлари билан орлиқда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан күлланмалар тұплами тайёрланды.

Тұлпамда қишлоқ хұжалиғи сохаси, жумладан, мева-сабзавот ва полизарини асосий ҳамда тақрорий экиш мұддатида етиштириш, иссиқхоналарда шылдық ишлаб чиқарыш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экінлар, чорвачилик, көмірчилик, асаларишлиқ каби тармоқтарнинг әңгилғор тажрибаларига оид көңсеревелердің илмий ва амалий маълумотлар берилған.

— Мәнд киламизки, ушбу қулланмалар тұплами Сиз – дәхқонлар, чорвадорлар да бириктерлеримиз үчүн фойдалы болады.

Досилингиз мул-кул, даромадингиз баракали булсин!

Рустам Маматкулов,
“Агробанк” АТБ Башқарув раиси.

resurs markazi

Inv No EP 33361

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: "Агробанк" АТБ

Тузувчилар:

Ж.Б.Худайқулов – Тошкент давлат аграр университети "Ўсимлиқшунослик" кафедраси мудири қ.х.ф.д. профессор.
Х.Н.Атабаева – Тошкент давлат аграр университети "Соя ва мойли экинлар" кафедраси қ.х.ф.д. профессор.

Тақризчилар:

М.Э.Аманова – Тошкент давлат аграр университети "Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик" кафедраси мудири қ.х.ф.д. профессор.
К.О.Хударганов – "Ўсимликлар генетик ресурслари" иммий-тадқиқот институти қ.х.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М. С. Ҳайитбоев.

Мұхаррір: Т. Долиев – "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали бош мұхаррири.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ муассислигига тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хуноса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида "Агробанк" АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар түплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илми ва амалий маълумотлар камраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар в тақлифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчили учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ тұхфасидир

I МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 7 |
| Кунгабоқарнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти | 9 |
| Келиб чиқиш тарихи ва тарқалиши | 13 |
| Кунгабоқар кенжа турлари | 16 |
| Кунгабоқар морфологияси | 17 |
| Ташқи муҳит омилларига бўлган талаби | 20 |
| Экишга тавсия этилган кунгабоқар навлари | 27 |
| Кунгабоқарни етиштириш технологияси | 29 |
| Кунгабоқар касалликлари ва уларга Карши курашиш | 40 |
| Кунгабоқарга зарар етказувчи ҳашаротлар ва уларга қарши курашиш | 45 |
| Хосилни йиғиш ва сақлаш | 49 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 52 |



I КИРИШ

Кунгабоқар (*Helianthus annuus L.*) ҳозирги кунда дунёда шаман мүхим аҳамиятли мойли экинлардан бири ҳисобланади. Кунгабоқар озиқ-овқат мойи сифати жиҳатидан танланган ўсимлик мойлари орасида биринчи ўринни эгалламоқда. Шу сабабли, дунёда кўплаб давлатларда экин майдони ва ундан олинадиган ҳосил миқдорига қараб иқтисодий самарадорлик даражаси ортиб бориши кузатилмоқда.

Сунгги беш йилликда кунгабоқар ер юзидағи 72 та мамлакатда ўртача 25-26 млн. гектардан ортиқ майдонда етиширилиб, ўртача 40,5-42,0 млн. тонна ҳосил етиштирилган. Дунё мамлакатлари бўйича энг кўп кунгабоқар етиштирувчи мамлакатлар рўйхатида: Украина, Россия, Аргентина, Руминия ва Ҳитой давлатлари етакчилик қилиб қилмоқда. Ўзбекистонда сунгги йилларда кунгабоқар экин майдони ортиб 17,5 минг гектарни ва ўртача ҳосилдорлик 12-15 ц/га ни ташкил итмоқда.

I КУНГАБОҚАРНИНГ ХАЛҚ ХҮЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Кунгабоқар мойи озиқ-овқатдан ташқари тиббиётда, косметологияда, парфюмерияда ва қурилиш соҳаларида қўллашилади. У оқиш сариқ рангли, тиник, ярим қурийдиган (йод сони 119 - 144), уруғ таркибида 29-56% мой ва 15% оқсил бўлади. Кунгабоқар мойи таркибида 62% гача биологик фаол менор кислотаси, витаминлардан А, Д, Е, К, фосфатидлар мавжуд.

Кунгабоқар мойи маргарин, майонез, балиқ ва сабзавот консервалари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пак-бўёқ, совун тайёрлашда ишлатилади.

Уруғидан мой олингандан кейин қоладиган чиқиндилари -шрот ва кунжара чорва молларига юқори сифатли озиқадир. Кунжараси таркибида 5-7% шротида эса 1% мой, 33-35% оқсил бўлади. Уруғ мағзидан мой ажратиб олингандан кейин шакар қўшиб ҳолва тайёрланади. Кунгабоқарнинг савати (гултўплами) чорва молларига ҳам яхши озуқадир. Поясидан поташ ва фурфурол ишлаб чиқарилади.



Кунгабоқар уруғидан ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади

Ўсимлик тўлиқ гулга кирганда пояси, барглари ва ҳосил саватларидан силос тайёрланади. 100 кг силоснинг таркиби да 11 кг оқсил, 12,3 кг озуқа бирлиги мавжуд. Баланд бўйли сербаргли навларидан кўк озуқа ва силос тайёрланади.

Табобатда гуллари, барглари ва уруғлари қўлланилади. Уруғи таркибида мой, оқсил, углеводлар, каротиноидлар, фитин моддалари мавжуд. Баргларида каротин, елим моддалар, каучук, флавоноидлар, органик кислоталар аниқланган. Гулларида бўёкли моддалар, спиртлар мавжуд.

Қўйида кунгабоқар ургуни ҳар куни тановул қўлсангиз, соглиқ учун фойдали хусусиятлари келтирилган:

1. Кунгабоқар уруғлари таркибида 80% Е витамини мавжуд бўлиб, у турли юрак касалликлари хавфини камайтиришга ёрдам беради.
2. Кунгабоқар уруғлари таркибида антиоксидант миқдори юқори, бу эса саратоннинг кўп турларини олдини олишга ёрдам беради.
3. Кунгабоқар уруғлари қалқонсимон без фаолиятини кучайтиришда ҳам фойдали.
4. Кунгабоқар уруғлари суяқ касалликларининг олдини олишда ҳам ёрдам беради.
5. Кунгабоқар уруғлари терини соғломлаштиришда ҳам фойдалидир.
6. Кунгабоқар уруғлари асосан ўсимлик мойини тайёрлаш учун ишлатилади.
7. Қон босими хавфини камайтиришда ҳам кунгабоқар уруғлари фойдалидир.
8. У қандли диабетнинг олдини олишда ҳам маълум даражада фойдали.

9. Протеин ва минералларга бой кунгабоқар ургуладан вазнни камайтириш парҳези сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Кунгабоқардан юқори сифатли уруғ ҳосили олишда ҳималарга эътибор қаратиш лозим?

Кунгабоқардан юқори сифатли уруғ ҳосили олишда ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, тиономлаштирилган кунгабоқар навларини тўғри танлаш энг лиҳум нацифалардан бири бўлиб ҳисбланади. Шунингдек, танлаган навингиз биотик ва абиотик стрессларга чидамлилиги юқори булиши керак. Шунда, сиз танлаган навдан юқори ҳосил олишга эришасиз ҳамда кўп даромад олишингиз мумкин бўлади. Фермер ҳўжаликлари ер майдонларида кунгабоқарнинг тезпишар ва серҳосил навларини танлаш келтуси мўл ҳосил гарови бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирги вақтда кунгабоқар етиширишда селекция ишларининг самарали олиб борилиши ҳисобига, кунгабоқарнинг кўплаб дурагайлари ва навлари яратилган ва ишлаб чиқаришда мақсадли фойдаланиб келинмоқда.

Майдонларни усулдан фойдаланиб, бир майдонга кетма-кет кунгабоқарни экмаслик, аксинча буғдой, арпа, жўхори, паплаги, пахта ва бошқа дон-дуккакли экинлардан бўшаган майдонлар билан алмашлаб экилиши тавсия этилади.

Кунгабоқар тур хили ва навларидан гулчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларда ҳам мақсадли фойдаланиши мумкин



■ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Олимлар кунгабоқарнинг ватани Мексика ва Перу деб жисбен атталған, аммо хужжатлар асосида Шимолий Америка ва Канада деб топилған. Шимолий Американинг ғарбий худудтарыда ёввойи ҳолда үсіб турған бир йиллик кунгабоқарни күриш мүмкін.

Кунгабоқар XVI асрда Америкадан Европага көлтирилған соң кисек муддатта Европа давлатлари бүйіча тез тарқалған. Кунгабоқар тавсифи ilk бор Лобель томонидан ёзилған ва «негізгі гүл» деб номлаган (1576 йил).

Европада кунгабоқар ilk бор манзарали әкин сифатидан тарқалған. Россия худудида кунгабоқар XVIII асрда Пётр I Фармойиши билан әкила бошланған. Россияда узоқ вақт манзарали әкин сифатида тарқалған. Россиянинг Воронеж губернияси Алексеевка қишлоғида оддий деңқон Бокарев томонидан 1829 йили кунгабоқардан мой олинған. Узоқ йилдар давомида бу технология такомиллаштирилған ва мой ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, ишлаб чиқылған мой экспорт қилина бошланған.

1865 йили Воронеж губерниясида биринчи мой ишлаб

чиқариш заводи қурилган. Кунгабоқарнинг экин майдони ҳам кенгая бошлаган. Аммо айрим йилларда кунгабоқар майли кунгабоқар навларини етиштириш кўпайиб бор-нинг ҳосили моль ва заразиха касалликлари туфайли кескин қисқариб кетган.

1913 йили куяга ва заразихага чидамли нав яратилди ва кунгабоқарнинг экин майдони яна кенгайтирилган. Мойли кунгабоқарнинг биринчи навлари 1912 – 1913 йилларда яратилган.

Россиядан ташқари мойли экин сифатида кунгабоқар Европа давлатларида ҳам экилади. Шунингдек, кунгабоқар мойининг истеъмол қилиниши бўйича АҚШ етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Энг кўп кунгабоқар етиштирувчи давлатлар руйхати

| Кунгабоқар ялпи ҳосили (минг тонна) | | | |
|-------------------------------------|---------|---------|---------|
| Давлатлар | 2014 й. | 2016 й. | 2018 й. |
| Украина | 10133 | 13627 | 14165 |
| Россия | 8475 | 11010 | 12756 |
| Аргентина | 2063 | 3000 | 3538 |
| Руминия | 2189 | 2032 | 3063 |
| Хитой | 2380 | 2587 | 2550 |
| Турция | 1638 | 1671 | 1949 |
| Болгария | 2010 | 1874 | 1927 |
| Венгрия | 1597 | 1535 | 1832 |
| Франция | 1584 | 1190 | 1248 |
| АҚШ | 1004 | 1204 | 960 |
| Испания | 953 | 772 | 950 |

Узбекистонда кунгабоқар етиштириш ҳолати бўйича маълумот (2019 йил бўйича)

| Кўлудлар номи | Жами экилган майдон, минг га | Шундан асосий майдонларда, га | Хосилдорлик, ҷ/га | Шундан тақрорий майдонларда, га | Хосилдорлик, ҷ/га |
|------------------------------|------------------------------|-------------------------------|-------------------|---------------------------------|-------------------|
| Корикалпоғистон Республикаси | 0,8 | 0,8 | 15,5 | | |
| Андижон | 8,8 | 1,0 | 17,1 | 7,8 | 11,0 |
| Бухоро | 2,3 | | | 2,3 | 13,5 |
| Жиззах | 1,1 | 0,9 | 20,0 | 0,2 | 3,9 |
| Кашқадарё | | | | | |
| Навоий | 0,5 | | | 0,5 | 3,2 |
| Наманган | 1,6 | 1,6 | 15,9 | | |
| Самарқанд | 0,3 | 0,3 | 8,5 | | |
| Сурхондарё | 0,4 | 0,4 | 6,2 | | |
| Сирдарё | | | | | |
| Тошкент | 0,3 | 0,3 | 19,4 | | |
| Фарғона | 1,4 | 1,4 | 9,9 | | |
| Хоразм | | | | | |
| | 17,5 | 6,7 | 14,6 | 10,7 | 11,4 |



Күнгабоқар уруғларининг униш жараёни




Униб чиқкан күнгабоқар илдиз тизими



Күнгабоқарнинг дала шароитида үсіш жараёни



Күнгабоқар барғы



Хосил бўлган саватча




Күнгабоқар саватчаси



Күнгабоқар савати тўлиқ очилган шакли



Күнгабоқар савати



Пояси – бақуват, тик ўсади, пастки қисми ёғочланган ичи паренхима тўқималари билан тўлган. Учи тўпгули билан тугалланади. Асосий поя ва ён шоҳлари қалин туклар билан копланган.

Тўпгули савати – бир нечта баргчадан иборат ўрамаг уралган бўлиб икки хил гулларга эга - тилсимон ва найча симон. Тилсимон гуллар саватнинг четида бир ёки бир неча қатор бўлиб жойлашади. Бу гуллар сариқ рангли, жинсиз. Найчасимон гуллар икки жинсли, учи ўткирлашган 2-4 та пардасимон косача баргдан, оч сариқ рангли, қўшилиб ўсган 5 та гултожи баргдан, 5 та чангдондан ва қўш патсимон тум шуқчали тугунчадан иборат. Найчасимон гуллар зич жойлашган, саватнинг катталигига қараб 600-1200 та гул бўлади. Гуллари четдан чангланади. Саватнинг диаметри 8-10 см да, 50 см.гача бўлади.

Меваси – тўрт қиррали писта, чўзинчоқ, учи ўткирлашган, мағиз ва пишиқ пўстидан иборат. Мағизи юпқа уруғ пўсти билан қопланган. Пистанинг ранги оқ, кул, қора ранг, йўл йўл ва йўлсиз бўлиши мумкин. Пистанинг пўсти ўз вазни нинг 26-42 % ни ташкил этади. 1000 тасининг вазни 40-170 г.

I ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Кунгабоқар учун мақбул иқлим шароити

Кунгабоқар ривожланиш даврида юқори иссиқликдаги ҳароратига, қургоқчиликка жуда чидамили ўсимлик ҳисобла нади. Ургуларининг яхши униб чиқиши учун $8-10^{\circ}\text{C}$ ли тупроқ иссиқлиги керак.

Узбекистон тупроқ-иқлим шароитида кунгабоқар экини-ни бўйларий ва ёни мавсумда экиб етишириш мумкин. Аммо кунгабоқар қўйғос униб чиқкан, ёш ниҳол даврида ва кунгабоқар кунчаларининг дастлабки ўсиш даврида салқин иқлим шароитлари талаб қилинади.

Кунгабоқар ниҳолларида 4 тадан 8 тагача барг ҳосил бўлгунча совуққа бир мунча бардош бера олади. Аммо кунгабоқар кунчалари қўйғос униб чиқиб бўлгач, токи гуллаш боғ топишпишиб етилиш давригача бўлган вақтда иссиқ ҳаво ҳароратига жуда талаби юқори бўлади.

Гуллаш даврида ёғингарчилик ва булутили об-ҳаво билан бирга юқори намлиқ ҳолати кузатилса, уруғланишнинг пайданини ва бунинг оқибатида кам ҳосил шаклланишига олиб келиши мумкин.

Униб чиқишидан бошлаб пистаси тўла пишиш давригача 2600 дан 2850°C гача иссиқлик талаб қилинади. Бу кўрсаткич ва тупроқ-иқлим шароитига қараб ўзгариб туради. Шиномий ҳудудларга қараб ўсув даври узаяди.

Кунгабоқарнинг уруғи $+5 - +10^{\circ}\text{C}$ да униб чиқади, ҳарорат $+10 - +12^{\circ}\text{C}$ бўлганда анча тез унади. Оптималь ҳарорат $+18^{\circ}\text{C}$. Бундан юқори ҳароратда униб чиқиш жараёни тезлашади.

Майса – 6°C совуққа бардошлидир. Ҳарорат юқори бўлиб сун шишмаса ҳосил кескин камаяди. Юқори ҳароратнинг салбий таъсири тўла майсаланишдан гуллаш даврини оқиригача кузатилади.

Кунгабоқар ўсимлиги меъёрий ҳолатда фотосинтез жараёнини амалга ошира олиши учун, етарли миқдорда ёруғлик бўри ва иссиқликка эҳтиёж сезади. Ёруғлик нури кам бўлган даврида, фотосинтез миқдори сезиларли даражада пасаяди. Мисол учун: қуёш нурини 40 фоиз кам бўлган, соя-салқин шароитда отиштирилганда, ҳосилда 64 фоизлик пасайиш

юзага келади. Асосан, гуллаш-уруғ пайдо бўлиш даврида етарли нур олмаса, ҳосил сезиларли миқдорда камаяди. Шу сабабдан, булутли ва кам қуёшли шароитни ёқтирмайдиган ўсимлик ҳисобланади.

Кунгабоқар саватчалари ва барглари нурга йўналиш ҳисобланган гелиотропик хусусиятга эга. Шу боис бу экинни Фракия ва Мармара худудидаги дехқонлар "Кунгабоқар" ёки "Кунга ўгирилган" деб атаганлар. Кунгабоқар япроқларининг бу хусусиятлари фотосинтезни яхшилайди, натижада ҳосил салмоғи юқори бўлиши учун ижобий таъсир ўтказади. Тадқиқотларда олинган маълумотларга кўра: нурга қараб ҳаракатланган япроқлар, ҳаракатсиз бўлганларга кўра нурдан 9 фоиз кўпроқ фойдаланади ва фототропизм ўсимлигининг фотосинтез даражасини 10-23 фоиз орттиради. Кунгабоқар СЗ ўсимлигидир (*СЗ - бу ўсимликларнинг ташқи муҳим омилларига бўлган талаби бўйича халқаро рақамланиш*).

Сувга бўлган талаби. Кунгабоқар қурғоқчилик шароитларга жуда чидамли бўлмаса-да, бошқа маданий ўсимликлар етиширила олмаган ноқулай шароитларда муваффақиятли парваришланиб келинмоқда. У тупроқдаги сувдан жуда яхши фойдаланадиган ўсимлиқdir. Бунинг сабаби, илдиз тузилишининг ривожланганлиги бўлиб, ўқ илдизлари 2 метрдан чуқур қатламларгача бора олишидир.

Ўсимлик қурғоқчилик стресси ҳолатида ривожланишдан тұхтагандек бўлиб кўринса-да, аммо фотосинтезини давом эттириш хусусиятига эга эканлиги бошқа ўсимликлардан фарқ қилувчи ва устун жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, бу экин қисқа муддатли қурғоқчиликдан таъсирланмайди ва ҳосилда пасайиш юзага келмайди.

Илдизи яхши ривожланганлиги туфайли кунгабоқар қурғоқчиликка чидамли, талаб қилинадиган сувни тупроқ-

Чуқур қатламларидаги сувдан олади; поя ва барг устилиги қалин туклари буғланишдан сақтайди. Сувни амал даврида бир хил талаб қылмайди. Майсаланишдан сават ривожланиш давригача йиллик мөъёрнинг 20-25% ни талаб етпайди. Гуллаш даврида сувни кўп талаб қиласди. Бу даврда сувнинг умумий мөъёридан 60% ни ўзлаштиради. Қурғоқчилик шароитида эса ҳосил анча камаяди.

Кунгабоқар ўсимлиги ўсиб-ривожланиш даврида 500-600 мм.лик миқдорда табиий ёғингарчиликка эҳтиёж сезади. Бу ёғингарчилик миқдори ўсиш даври ичидаги тарқалган бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Унинг сувга бўлган ўтижки худудларга кўра ўзгарувчан бўлади. Бунинг сабаби: тупроқ таркиби тузилиши, иссиқлик, нисбий намлик ва шаблонларининг худудларда фарқли бўлишидир. Нормал шароитларда кунгабоқар ўсимлигининг кунлик сув истеъмоли 15-18 мм. лигидан, ҳаво ҳарорати иссиқлиги 35°C бўлган даврида сув истеъмоли 7,5 мм.га етади.

Кунгабоқарнинг ривожланиш даврлари бўйича сувга бўлган талаби турлича миқдорда бўлади. Уруғларининг қийғос ўтиб чиқиши учун тупроқда етарлича намлик бўлиши керак. Бошқа ўсимликлар билан таққосланганида, уруғининг ўтиб чиқиши учун кам миқдорда намлик етарли ҳисобланади.

Йлмий тадқиқот ишларида олинган маълумотларга кўра, уруғлар ўтиб чиқишидан бошлаб тики саватча пайдо бўлиши таша ўтган вақт мобайнида, кунгабоқар ўсимлиги йиллик сув миқдори истеъмолининг тахминан 20 фойизидан фойдаланади. Кунгабоқар ўсимлигининг сувга энг кўп эҳтиёж сезган даври бу – гуллаш жараёнидан олдин ва охирги 40 кунлик давр ҳисобланади.

Қурғоқчил мінтақаларда кузатыладын иқлім шароиттарни ҳисобға олиб, кунгабоқарни мақбул муддаттарда тезроқ әкіш тавсия этилади. Эрта ва мақбул муддатда уругларни әкіш ҳисобига кунгабоқарнинг қыш ва баҳорға мавсум ёғингарчилігидан янада унумли фойдаланишини таъминлашга еришилади.

Бу даврда үсимлик, йиллик жами сув истеъмолининг тахминан 60 фоизидан фойдаланади. Гуллаш даврида үсимликнинг сувсизлик стрессига кириши кузатылған холаттарда ҳосил салмоғи пасайиши кузатылади. Асосан, гуллаш ва чангланиш юзага келған 10 кунлик даврида, үсимлик сувсизлик стрессига дуч келса, ҳосилға кучли таъсир құрсатади. Мисол учун: бу даврда үсимликнинг истеъмол қилиши керак бўлган сув миқдори 20 фоиз камайиши, уруғ ҳосилида 50 фоиз камайишига сабаб бўлади. Бунинг сабаби: жуда қурғоқчил шароитда эркак организмларининг уруғлантириш хусусиятига етап олиши учун керакли ривожланишнинг тұхтаб қолишидир.

У жами бўлиб сув истеъмолининг 20 фоизини гуллашдан кейинги даврда ишлатади. Гуллашдан кейинги 20 кунлик даврда үсимликнинг сувсизлик стрессига кириш ҳолаты кузатылса, уруғдаги мой миқдорига ҳам салбий таъсир құрсатиши илмий тадқиқот ишларида аниқланган. Ҳаддан ташқары қурғоқчиликда үсимликнинг остки барглари қури бошлиди, стресснинг давом этишида эса қуриш юқори то монга қараб боради. Үсимлик поясидаги баргларнинг тұкилиши, фотосинтез салмоғини камайтиради, бу эса ҳосилдорлик миқдорига салбий таъсир құрсатади.

Бу үсимлик ҳаддан ташқары намли худудларни ёктири майди. Ҳаво нисбий намлигининг юқори даражада бўлиши

саватчанинг чиришига олиб келувчи касалликларнинг салбий таъсирининг ошиб боришига олиб келади.

Бу сабабли, кунгабоқар етиштирувчилар ҳаво нисбий намлиги паст даражада бўлган худудларда янада муваффақиятли парваришлаш ишларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон шароитида кунгабоқарни етиштириш жараённанда табиии ёғингарчилікнинг ёзги мавсумда етарли миқдорда бўлмаслиги аниқланган. Шу сабабли парваришлаш жараённанда құшимчы суғориш ишларини амалга оширишга түри қолади.

Тупроққа бўлган талаби. Кунгабоқар ҳар хил тупроқларда етиштирилади. Ҳатто серҳосил бўлмаган тупроқларда ҳам, жуда неши ривожланиши мумкин. Ҳаддан ташқары тошли, кумли, ботқоқланган ва қумоқ ерларда яхши ривожланади, ҳосил бермайди. Бошқа дала әкинлари орасида ағаплигига – шўрга чидамлилиги. Кунгабоқар Ўзбекистоннинг шурланиш тупроқларида шурланиш даражасига қараб жойлаштирилиши мумкин.

Кунгабоқар қора, бўз, сур, мұхити pH=6,0-6,8 бўлган тупроқларда яхши үсади ва ривожланади. Кунгабоқар әкинадиган тупроқларда pH=6,0-7,2 оралиғида бўлиши керак. Ҳаддан ташқары кислотали тупроқларда нормал ривожлана майди. Кунгабоқар әкинадиган тупроқларда ер ости сув-юқори даражада бўлмаслиги ва дренаж муаммоси бўлшилиги коради.

Олиқаға бўлган талаби. Олимлар маълумоти бўйича кунгабоқар талаб қилинадиган озиқа моддаларнинг 25 % гуллашдан кейин үзлаштиради. Гуллаш даврида озиқа моддаларниң күпроқ қисмини үзлаштиради. Фосфорнинг асосий қисмини мисаланишдан сават ҳосил қилиш вақтигача үзлаштиради, азотни – сават ҳосил қилишдан гуллаш даврини

охиригача, калийни эса - сават ҳосил қилишдан думбул пишиш давригача үзлаштиради.

Амал даврининг бошланишида азот, фосфор ва калий нинг кам меъёрларида қўшимча озиқлантирилса ўсимлий яхши ўсади. Минерал ўғитларнинг қолган қисмлари сават ривожланиш даврида тупроққа солинса, кунгабоқар тез ривожланади, яхши ҳосил беради.

Азот етишмаса унинг ўрнига ўсимлик фосфорни кўп үзлаштиради, шунингдек калий ҳам кам үзлаштирилади. Сават ҳосил бўлгандан кейин фосфорнинг юқори меъёрлари салбий натижа беради. Кунгабоқар 1 т уруғ ва тегишли қўшимча ҳосил етиштириш учун 60 кг азот, 26 кг фосфор ва 186 кг калий үзлаштиради.

Ёруғсевар қисқа кун экини соя жойларда ва булатли ҳавода яхши ўсмайди, барглари майдалашади.

Кунгабоқарнинг ўсув даврида қуидаги ривожланиш босқичлари аниқланган:

- униб чиқиш 10 – 15 кун давом этади, муртак илдиз ривожланади, уруғ-палласи ер бетига чиқади;
- саватнинг шаклланиши 30 - 40 кун, бу босқичда биринчи чинбарглари ривожланади. Ўсимлиқда ўртача 13 та барг ривожланганда сават ҳосил бўлади.
- шоналаш - гуллаш 25 - 30 кун давом этади, ўсимлик тез ўсади гуллаш бошланади, сарик рангли тилсимон гуллари ривожланади;
- гуллаш – пишиш даври 35 - 40 кун давом этади, иккичинсли найчасимон гуллар ҳосил бўлади. Кунгабоқар биологияси бўйича четдан чангланадиган ўсимлик аммо табиий шароитда ўзидан чангланиши ҳам мумкин

Указилган тажрибалар натижасида аниқланганига кўра, ўзидан чангланиши мумкин, аммо писталари пуч бўлиб олади. Олимлар фикри бўйича ўзидан чангланиш хусусиятни наслдан наслга ўтар экан ва айрим шаклларида ўзидан чангланиш 90 % гача булиши мумкин.

Четдан чангланиш аксарият ҳолда хашаротлар ёрдамида, айрим ҳолларда шамол ёрдамида рўй беради. Битта ўсимлик ўртача 8 - 10 кун гуллайди, битта гул 24 - 36 соат ёрдамида гуллаб чангланади.

Гуллаш даврида ўсимлик сув, озиқа, ёруғ билан таъминланса, гул четдан чангланади, уруғи тўлишади. Навга хос ўнга эга бўлади, тула пишганда - сават сарик, жигарранг ўнгли бўлади, пистасининг намлиги 18-12 % гача камаяди.

I ЭКИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН КУНГАБОҚАР НАВЛАРИ

| Нұхат навлари номи | Ўсимлик бўйи, см | Уруғ ранги | 1000 та дона уруғ вазни | Вегетация даври, кун | Ётиб қолиш ва тўклишга чидамлилти, балл | Хосилдорлилиги, ц/га | Уруғдаги ёт миндори, % | Касалликка чидамлилги |
|--------------------------|------------------|------------|-------------------------|----------------------|---|----------------------|------------------------|-----------------------|
| "Майрос" | 190-195 | қора | 61,0 | 87 | 5,0 | 26,9 | 51,0 | юқори |
| "Бердінский" | 203-206 | қора | 60,0 | 89 | 5,0 | 27,6 | 50,0 | юқори |
| "Леонора" | 170-175 | қора | 60,0 | 95 | 5,0 | 22,2 | 50,3 | юқори |

| | | | | | | | | |
|---------------|---------|-------------|------|-----|-----|------|----------------|-------|
| “Бузулук” | 150-170 | қора | 59,0 | 85 | 5,0 | 25,2 | 50,6 | юқори |
| “Велия” | 165-170 | қора | 78,0 | 110 | 5,0 | 25,1 | 51,0 | юқори |
| “Владимир” | 175-180 | қора | 70,0 | 101 | 5,0 | 30,0 | 49,8 | юқори |
| “Дилбар” | 168-170 | қора | 68,7 | 100 | 4,5 | 33,1 | 50,0 | юқори |
| “Душко” | 180-200 | қора | 102 | 91 | 5,0 | 32,5 | 49,1 | юқори |
| “Дукот” | 175-200 | қора | 65 | 82 | 5,0 | 30,2 | 49,7 | юқори |
| “КК-1” | 161-195 | қора | 69,0 | 100 | 5,0 | 20,3 | 48,9 | юқори |
| “ЛГ-5580” | 175-180 | қора | 67,1 | 95 | 5,0 | 28,1 | 50,2 | юқори |
| “Наврұз” | 170-175 | қора | 71,0 | 100 | 4,5 | 32,3 | 48,6 | юқори |
| “Новосадянин” | 160-200 | қора | 71,2 | 89 | 5,0 | 28,1 | 49,7 | юқори |
| “Осие” | 165-170 | қора | 55,4 | 100 | 5,0 | 23,8 | 52,6 | юқори |
| “Родник” | 170-178 | қора | 58,0 | 85 | 5,0 | 27,1 | 50,4 | юқори |
| “Роки” | 173-175 | қора | 58,0 | 109 | 5,0 | 25,0 | 50,1 | юқори |
| “Санлука” | 160-168 | қора | 53,0 | 112 | 5,0 | 23,4 | 50,8 | юқори |
| “Самрук” | 170-172 | қора | 61,3 | 97 | 4,5 | 28,0 | 50,5 | юқори |
| “Слава” | 350,0 | оч күл-ранг | 104 | 73 | 5,0 | 280 | озуқа йұналиши | |
| “Жаҳонгир” | 140-160 | қора | 78,0 | 108 | 5,0 | 22,0 | 58,1 | юқори |
| “Янги замон” | 170-175 | қора | 52,0 | 105 | 5,0 | 22,9 | 56,3 | юқори |

КУНГАБОҚАРНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Үтмишдош. Кунгабоқар ишлов бериладиган далада, бағыттағы жағдайда да жаңа аспаптардан тозаланған баҳорғы дон (арпа, бұғдой) әкінлариден кейин әкиш мүмкін.

Кунгабоқарни қанд лавлаги, беда ва судан үтидан кейин әкінлайды, чунки бұның күк нұхат, соя ва ловиядан кейин ҳам әкілмайды, чунки олардың әкінліктері бир хил. Кунгабоқарни бир әкілган ерга 8-10 күнден кейин қайта әкиш мүмкін.

Ерга ишлов бериш. Үтмишдош әкін қолдиқлари далада өткізу үшін олингандан сұнг, кунгабоқар әкілиши режалаштырылған дала қаторли плуг билан 20-25 см чуқурлықда шудараланыши керак.

Ерга ишлов беришда құйиладиган асосий талаб күп йилдерде бегона үтлардан тозалаш, текислаш, намни сақлашдан шешілді. Күп йиллик бегона үтлар билан заараланған ерларда күп босқичли ишлов берилади: 6-8 см га дискланади, кеңең 10-12 см өзекілікке өткізу үшін оғир борона юргизилади (БДТ-7),



Ерги шудгорлаш

ұт үсіб чиққанда ер ҳайдалади. Экишдан олдин тупроқ юза си текисланади, культивация 8-10 см чуқурлиқта қилинади ва борона юргизилади.



Тупроққа юза ишлов беріш жараёнлари

Уруғларни әкиш. Кунгабоқар етишириладиган худудларға мос бұлған, юқори даражада ҳосил берувчи кунгабоқар уруғларини маңсус уруғчылық марказлари күмагида таъминланади. Ишлаб чиқарувчилар бу уруғларнинг танловида қуидаги жиҳатларга алохидә эътибор беришлари лозим:

- ⓐ кунгабоқар етишириувчи фермер ва дәхқон хұжаликlassesида ҳар йили мұтлақо сертификатланған янги уруг әкишлари лозим;
- ⓑ әкиладиган кунгабоқар уруглари тоза, унувчанлик дарајаси ва униб чиқып күчи юқори бұлиши керак; оробанч (*Orobanche sp.*) ёки сил үти аниқланған дала-ларда ҳосил пасайишига сабаб бұлмаслиги учун бу па-разитта чидамли кунгабоқар уруги танланиши лозим, шунингдек, кунгабоқар етиштириш жараённан оробанч зарари кузатылса, кимёвий кураш олиб борилиши зарур;
- ⓒ әкиладиган кунгабоқар агар чириш (*Plasmopara helianthi L.*) ёки сұлиш касаллигига чидамсиз бұлса, бу касаликка қарши әкилишдан олдин уруг дориланиши лозим.

Үзбекистонда кунгабоқар фермер ва дәхқон хұжаликlassesи, томорқа ер әгалари томонидан парваришиләниб келина-ған мойли үсімлік ҳисобланади.

Томорқа ер хұжалиғи, шунингдек, фермер ва дәхқон хұжалиғи иш юритувчи ходимлари томонидан кичик майдон-парда кунгабоқар етишириладиган ҳолатларда асосан құл мөхнати ёрдамида, катта майдонларда эса замонавий уруғ чириш сеялкалари ёрдамида уруғлар әкилиб, парваришиләниб, мұл ҳосил олишга әришиб келинмоқда.



Кунгабоқар уруғларини әкишга мүлжапланған замонавий 4 ға 8 қаторлы уруг әкиш сеялкасы

Уруғларнинг тезроқ униб чиқиши ва ундан юқори ҳосил олиш учун уруғларни экишдан олдин намлаб, имкони булса дорилаб экиш тавсия этилади. Бунинг учун кунгабоқар уруғларини тахминан 4-6 соат давомида намлаш ва уруғларни сояда қуритиш, писталар чақилиб кетишининг олдини олишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Экиш учун районлаштирилган навнинг уруғи экилади Уруғ 1000 донасининг вазни 50 - 100 г бўлиши керак, унув чанлиги 95% дан кам бўлмаслиги, туп сони нам ерларда 40 - 50 минг, қисман суғориладиган ерларда 30 - 40 минг, лалми ерларда 20 - 30 минг ўсимлик бўлиши мақсадга мувофиқди. Амалда экиладиган уруғ миқдори уруғ сифатига, экиш усулига, навларининг биологиясига боғлиқ бўлади.

Кунгабоқар уруғини экишдан олдин фентиурам билан ишланади (3 кг/т), интенсив етиштириш технологияси қўланганда ягана қилмаслик учун аниқ уруғ экилади.

Ўртача 45 - 55 минг дона уруғ экилади ёки 5 - 8 кг/га уруғ олиш учун, 35 - 40 кг/га силос тайёрлаш учун, кунгабоқар экиш чуқурлиги 6 - 10 см, қатор ораси 70 см қилиб СПН - 8, СКПП - 12 сеялкаларида кунгабоқар кенг қаторлаш экилади.

Экинни парваришилаш. Куруқ ҳавода экилган бўлса, катклар билан зичлаштирилади. Қатқалоққа қарши борон юргизилади. Ўсув даврида қатор ораси 2 - 3 марта культивация қилинади. Қатор орасига ишлов беришда КРН - 5,6А КРН - 4,2А ва қўшимча мосламалардан КЛТ - 360, КЛТ - 350 қўлланилади.



Уруг униб чиқиш жараёни



Уруг униб чиқиш жараёни



Кунгабоқарнинг амал даври давомийлиги

Бегона ўтларга қарши курашиш. Бегона ўтларга қарши итран, трефлан, гезагард - 50 гербициidlари қўлланади, бул учун ОПШ-15, ОП-200-2-01, ПОМ-63О пуркагич машина-ри қўлланилади.

Гуллаш даврида экинзорга асалари уялари қўйилса, гуллар яхши чангланади, ҳосилдорлик ошади (1 га - 1,0 - 1,5 уя).



Кунгабоқар қатор ораларига ишлов берувчи культиватор

Озуқа ҳамда үгіт билан таъминлаш. Бошқа үсімліктердің бүлгани каби, кунгабоқар ҳам үсиш ва ривожланишини давом эттириши, яхши ҳосил бера олиши учун тупроқдан мағлұм миқдорда озуқа моддаларини үзлаштириши ҳам олинган озуқа моддалар миқдори, ҳосил миқдорига қарастырылады. Үзгариб туриши аниқланған.

Шу сабабли кунгабоқар етиштириледиган майдонларда минерал үғитларни құллашдан олдин тупроқдан намуналар олиниб агрокимёвий таҳлил қилиниши керак. Таҳлил мағлұм мотларига асосланиб, белгиланған ҳосил олиш миқдорига қарастырылады. Үғитлар мақбул мөйерларда құлланиши керак. Кунгабоқар тупроқдан күпроқ миқдорда азот ва калий үзлаштиради.

Фосфор ва унинг құлланиши

Кунгабоқар үсімлігининг фосфорға әхтиёжи кам бүлінгенде күпроқ ҳосил олиш учун фосфорлы үғит берилиши керак. Кунгабоқарни парваришилашда құлланиладиган фосфор миқдори тупроқ таҳлилига қаралғанда белгиланған лозинде. Тупроқдаги фосфор миқдорини ассоциацияның қилингенде ҳосилга күра фосфор берилиши мүхим ҳисобланади. 0,1 гектарда режалаштирилген 40-50 кг ҳосил учун, 1 кг P_2O_5 етариғында қалыптасқан фосфорлы үғитнің ҳаммасини әкишдан олғанда.

дин еки экиш пайтида берилиши керак. Зоро, кунгабоқар үсимилиги жами фосфор эҳтиёжининг 66 фоизини гуллаш лаърида олади. Фосфорли ўғит, техника билан экилган уругларнинг 5 см ёнига ва 5 см тагига берилиши керак. Берилган фосфор, уруғдаги ёғ микдорини ва ёғнинг сифатини оширади. Кунгабоқар үсимилигидаги фосфор танқислигига барг учларида куйгандек тасвир ҳосил бўлади. Фақатгина таркибида фосфор борлиги жиҳатидан кунгабоқарни парваришилашда энг кўп ишлатиладиган ўғит суперфосфат (43-66 фоиз) ҳисобланади. Агар тупроқ таҳлили натижасида бу ўғига эҳтиёж борлиги аниқланса, тупроққа экишдан олдин тулиқ меъёрда солиниши керак.


Олиб борилган тадқиқотларда 0,1 гектар майдонда соғмодда ҳисобида 7-8 кг фосфорнинг, яъни 15-18 кг суперфосфатнинг қўлланиши энг юқори ҳосил олиш учун етарли микдор эканлиги аниқланган. Тупроққа берилган фосфорнинг үсимиликлар томонидан ўзлаштирилмаган қисми тупроқда ўнг илиб қолади. Бошқа бир таъриф билан айтганда, ёмғир ўйлари билан фосфорнинг тупроқдан ювиб чиқарилиши камдан-кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Шу сабабдан, тупроқ таҳлили қилинмасдан ҳар йили кераксиз фосфорли ўғит ишлатишдан ва кераксиз харажатдан узоқ туриш лозим.

Калий ва унинг қўлланиши

Кунгабоқар үсимилиги тупроқдан кўп микдорда калий олишига қарамай, парваришилаш шароитида калий минерал ўғити билан қўшимча озиқлантириш тавсия этилмайди. Бунинг сабаби, тупроқ таркибида етарли микдорда калий борлигидир. Тупроқ таҳлилларига кўра, танқислик аниқланса калий ўғити берилиши керак. Акс ҳолда кутилган ҳосил олинди. Калийли ўғитлар экишдан олдин берилиши керак. Калий танқислигига, баргнинг бурчакларида сарғайишлар,

кейинчалик эса жигаррангга ўхшаш ранг ҳосил бўлади ва қуришни бошлайди. Барг томири ораларида бўртиб чиқади.

Агар тупроқда калийга эҳтиёж сезилса, калий сульфат ўғити билан тупроқ таҳлили натижасига кўра экишдан олдин ёки экиш вақтида ўғитланиши мумкин.



Кунгабоқарни минерал ўғитлаш жараёни

Комплекс минерал ўғитлар

Комплекс минерал ўғитлар азот, фосфор ва калийнинг маълум миқдорда аралашмасидан таркиб топган бўлади. Фақат аралаш ўғитларнинг ҳар йили давомий ишлатиши натижасида далада фосфор йиғилиб қолиши кузатилади. Шу сабабли, тупроқ таҳлили натижасида фосфорли ўғитга

Этиёж сезилмаса аралаш ўғит ўрнига бошқа азотли ўғиттардан фойдаланиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, ер ҳайдашдан олдин органик ва фосфорли - калийли ўғитлар құлланилади. Органик ўғит сифатыда 15 - 20 т/га гүнг, 45 - 60 кг дан РК шудгорлашдан олдин қуллаш тавсия этилади.

Баргдан құшимча озиқлантириш

Кунгабоқар үсимлигіда илдиздан ташқари, яғни үсимликни баргдан озиқлантириш бугунги кунда яхши самара берәётгандығы күзатылған.

Асосан суюқ шаклда ишлаб чиқарылған баргдан озиқлантирувчи ўғитлар таркибіда бир ёки бир нечта озуқа моддалары мавжуд. Үсимликнинг үсиш даврида дала тупроғида молибден, рух каби баъзи микро озуқа моддаларига бұлған танқислиги күзатылған мүмкін.

Озуқа моддаси танқислиги аниқланған кунгабоқар дала-ларига Республикада тавсия этилған баргдан озиқлантирувчи ўғитлар ва стимуляторлар махсус пуркагичлардан фойдаланған ҳолда берилиши юқори самара беради.

Тавсия этилған меъерда баргдан озиқлантириш ишлаты, кечга яқин қүёшнинг жазирама иссиқлиги бұлмаган тайтда амалға оширилса, үсимлик барлары куйиши олди олинади.

Шуни унутмаслик керакки, үсимликка керакли бұлған асосий озуқа моддаларни кунгабоқар илдизлари орқали үшештиради ва поясини тик тутиб туради. Аммо тупроқда үсимлик үсиш даврида баъзи озуқа моддаларининг танқислиги күзатылса, фотосинтез қилиш органды ҳисобланған баргдан озиқлантириш ишларини амалға ошириш тавсия иилади.



Иш унумдорлиги юқори пуркагичларда күнгабоқарни барғдан озиқлантириш жараёни

Сугориш. Ұсув даврида сугорилади. Сугориш меъёри 600 - 800 м³/га булиб, гуллаш давригача 2 марта, гуллаш даврида 2 марта, пишиш давригача 1 марта сугорилади.



Күнгабоқарни ёмғирлатыб сугориш жараёни



Күнгабоқарни замонавий сугориш усууларидан фойдаланған ҳолда сугориш жараёнлари

Күнгабоқарда гуллаш даври

Күнгабоқар гуллаш даврида чангланиши учун турнинг идан

чангланиши кам ёки күп бўлишига боғлик булиб асалашни парига юқори даражада эҳтиёж сезади.

Шу сабабдан гуллаш давридаги муддат ҳам күнгабоқар

етишириладиган дала яқинларида асалари уяси бўлмасли ги кунгабоқар саватчаларидаги чангланиш тақислиги ва бош дона миқдорини камайтиради. Асалариларининг кунга боқарнинг чангланишидаги ҳиссаси 90 фоиздан ошиқ.



Мойли кунгабоқарни сунъий қўшимча чанглатиш жараёни

■ I КУНГАБОҚАР КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Мойли кунгабоқар касалликларидан сохта ун-шудринг касаллигининг белгилари, ўсимликнинг бўйи пакана бўлиб, поянинг йўғонлашиб қолиши ва баргнинг бужмайиши, баргнинг орқа томонида замбуруғнинг оқ рангли фасоди пайдо бўлиши кабилар.

Оқ чириш касаллиги – ўсимликни униб чиқиш давридан бошлаб заарлай бошлайди. Уч-тўрт барг пайдо бўлиш даврида поянинг ранги кўкиш жигарранг тусга киради. Ўсимлик

ұсув даври охирида илдиз бұғзини ва саватчасини зааралайды.

Занг касаллиги – 1-2 чин барг пайдо бұлғанда баргларда піввал сарғыш, кейин сарғайған доғлар ҳосил бұлади. Кейинчалик баргнинг пастки сатқида оқиш-тұқсариқ қуқунсимон өстикча ҳосил бұлади. Касалланған үсимликда физиологик жарайн бузилади, оқибатда ұсув барглари вақтдан илгари қурийди ва пуч уруғлар ҳосил бұлади.

Қорамтири (құкиш) чириш – мойли кунгабоқар бу касаллик билан бутун ұсув даврида заараланади. Ҳаво намлиги қоюғанда бұлған вақтда уруғпалла ҳамда 1-2 чин барг чиқартында, касаллик даврида поянинг пастки қисміда қора чириған доғ пояни ұраб олади ва у 5-6 кундан кейин заараланған тұқимада қалып құқимтири замбуруғ спораси, chanгси-мон мөфор босади. Касалланған үсимлик сұлийиди ва нобуд бұлади. Бу касаллик фақат пояда әмас үсимлик баргода, барг бандида, етилаётган ва пишган саватчаларда ҳам күзатылади.

Фузариоз – касаллигининг тарқалишига иссиқ ва құрук ҳаво сабаб бұлади. Фузариоз касаллиги илдиз орқали күпаяди. Бу касалликнинг күпайыш манбаи мицелий микросклероцийдир. Агар үсимлик гуллаш давригача шикастланыши үсиш ва ривожланиши кечикади. Үсимликнинг шикастланыши ривожланишнинг кейинги фазаларида юзага келса ҳамда ҳавонинг қоюғи намлигіда ва қоюғи ҳароратида касаллик шиддатли үтади, 6-7 кундан кейин үсимлик нобуд бұлади.

Кунгабоқарнинг чириш касаллиги (*Plasmopora Helianthi Novat*)

Кунгабоқарнинг эңг муҳим замбуруғли касалликларидан бири булыб ҳисобланади. Бу касалликка, әрта даврда дүч

келган кунгабоқар үсімліктери нормал ривожлана олмайды, үсмай қолады. Каасал үсімлік япроқларидан сарғайыш жағдайда оқтап шаклида споралар пайдо бўлади.

Чиришнинг тарқалиши, асосан уруғдан, тупроқдаги үсімлік қолдиқларидан бўлади. Ер ости суви юқори дара жада бўлган далаларда, каасаллик юқори даражада кузатилганда иккинчи марта тақрор экилиши керак.

Қарши кураш, бу каасалликка чидамли турларнинг экилиши, нозик турлари эса уруғини экмасдан олдин мутлақо металлаксил фаол моддаси, фунгитсидлар билан уруғ дориланиши керак. Маданий қарши кураш эса үсімлік қолдиқларини даладан четлатиш ва алмашлаб экиш усули ба жарилиши мумкин.

Сўлиш каасаллиги

Бу каасалликка олиб келувчи омиллардан бири *Sclerotinia sclerotiorum* ҳисобланади. Одатда илдиз бўғзи чириши шаклида кузатилади. Каасаллик, үсімлік илдизларини тупроқда кўмирдек склеротиялар билан, үсімлік пояси ва саватчаларини эса тупроқ юзасида пайдо бўлган аскоспорлар билан заарлантради.

Бошқа бир сўлиш каасаллигига ҳам *Verticillium dahliae* *Klebsiella* сабабчи бўлади. Гуллаш даврида устки баргларда тасодифан сўлиш, сарғайиш ва томир ичидә қора доғларнинг кўзга ташланишига кўра аниқланади.

Қарши кураш, ҳар икки омилнинг сабабчиси бўлган сўлиш каасалликларига қарши курашда каасалликлар аниқланмаган үсімліклар билан алмашлаб экилиши, чидамли ва бардошли турларнинг экилиши тавсия этилади. Шунингдек, хасталанган үсімлікларни даладан илдизлари билан бирга четлаштириш ва оловда ёндирилиши керак.

Кунгабоқар занг касаллиги

Бу касалликнинг омили *Puccinia helianthi schw.* ҳисобланади. Одатда кеч экин экилган кунгабоқар далаларида гуллаш давридан кейин кузатилади. Занг споралари олдин япроқнинг остки юзасида кейин эса бутун япроқ юзасида куринади.

Уларга қарши курашда, зангга қарши чидамли турларниш билан бирга алмашлаб экиш ва эрта экиш орқали майлга оширилиши мумкин.

Кунгабоқар барг доғлари касаллиги

Кунгабоқарда бир қанча доғ касаллиги омили бор. Энг кўп тарқалганлардан бири *Septoria sp.* ва *Alternaria sp.* ҳисобланади. *Septoria* кўпинча ўсимликнинг эрта даврларида аниқланса, *Alternaria sp.* эса ривожланиш даврида аниқланади.

Мойли кунгабоқар касалликлари



Аскахитоз касаллиги



Аскахитоз касаллиги



Поя оқ чириш касаллиги



Кунгабоқарнинг оқ чириш касаллиги



Курук чириш касаллиги



Сохта ун шудринг касаллиги



Фузариоз касаллиги



Септориоз касаллиги

Юқорида күрсатилған мойли күнгабоқар касалліклар нинг олдини олиш мақсадида экишдан бир ҳаftа олдин уруғни, уруғдори препаратлардан бири билан дорилаш көрек.

Масалан, Гумат натрий 1,5 кг, Мис купораси 1,0 кг, Бронотак 6 кг, П-4, Ҳимоя ва Витарос 4 литр, Максим 2 литр миқдорда 35 литр сувда әртилиб, 1 тонна уруғға яхшилаб аралаштириб, шамоллатиб, сүңг қоплаб әкишга тайёрлаб қўйилади. Бу препаратларни күрсатилған миқдорда қўлланиши

ругни дала шароитида унувчанлигини 18-20 % оширади.

Ҳашарот ва зараркунандаларга қарши 50 % Карбафос 2 литр, 25 % Циракс 0,3 литр, 55 % Циперфос 1 литр, 25 % Циперметрин 0,3 литр гектарига вегетация даврида сепилиши мүмкүн натижа беради.

Қарши кураш, алмашлаб экиш ва касаллик мавжуд бўлганан, касалликка чидамли уруғ ва далада амалга оширилади.

■ | КУНГАБОҚАРГА ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ ҲАШАРОТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Қайчи шох қўнғиз (*Lethrus brachiiocollis Fairm*)

Кўпинча кунгабоқарнинг ўсиб чиқиш, ниҳолланиш даврида зарар етказади. Кучатларни тупроқ усти қисмини кесиб таралайди.

Даладаги бегона ўтларни йўқотиш, чукур шудгорлаш ва тасия этилган кимёвий препаратлар (инсектицид) билан уруғларнинг ҳамда тупроқ юзасининг дориланиши билан ширши кураш-чора тадбирлари амалга оширилади.



Қайчи шох қўнғиз (*Lethrus brachiiocollis Fairm*)

Дашт қурти (*Loxastege sticticalis*)

Кунгабоқар үсімлігінің барғ ва күртакларини еб катта зарар еткәзиши күзатылған. Қарши курашишда: кунгабоқар әкиладиган далани күзги мавсумда сифатли ва чукуршудгорлап дағалдан бегона үтлардан тозалаш ва бу заараркунанда аниқланғанда тавсия этилған инсектицид билан дорилаш лозим.



Дашт қурти (*Loxastege sticticalis*)

Кулранг қурт (*Agrotis sp*)

Үсімлік нұхоллари униб чиққанидан сұнг, кунгабоқар күчтеп түркінде остидан кесиб ейиш орқали катта зарар еткәзади.

Қарши кураш чоралари: әкиладиган кунгабоқар уруғларини экишдан олдин тавсия этилған инсектицид билан дәрілаш, шунингдек, кунгабоқар униб чиққанидан сұнг ушын заараркунанда борлиги аниқланғанда кимёвий препараттарни құллаш юқори самара беради.



Кулранг қурт (*Agrotis sp*) нинг кунгабоқарни заарарлаш ҳолаты

Бошқа кунгабоқар заарларнандалари



Кунгабоқар заарларнандаси
(*Gryllotalpa* sp.)



Вояга етган кунгабоқар парвонаси
капалаги



Кунгабоқар парвонасининг личинкаси



Кунгабоқар парвонасининг
гүмбаги



Кунгабоқар парвонаси билан
зарарланган кунгабоқар саватчаси

ПАРАЗИТ БЕГОНА ҮТЛАР ЗАРАРИ

Шумғия - Оробанч (*Orobanche*)

Оробанч, ўзбек тилидаги номи эса шумғия. Кунгабоқар екіләдиган майдонларда илдиз паразити ҳисобланади. Үсимликдаги озуқа моддалари ҳамда сувини сүриб олиш учун батамон кунгабоқар илдизларига сүргичларини ёйиб олади. Кунгабоқарда кузатилган бу паразиттинг 5 дан ортик тури аниқланган.

КУНГАБОҚАР ИЛДИЗЛАРИДА ШУМҒИЯ ПАРАЗИТИ

Шумғия баъзи жойларда йиртқич үт ҳам дейилади. Шумғия паразитининг бўйи 20-60 см атрофида, гул ранги одатда мовий, сиёхранг ёки оқ ҳисобланади. Уруғларни жуда кичик жигарранг кўринишда ҳамда капсулалари ичкарисида жойлашади.

Битта оробанч поясида мавжуд бўлган капсулаларда миллионлаб уруғ бор. Ҳимояланган уруғлар 10-15 йил вақт мобайнида ҳам тупроқда яшовчанилиги сақлаб қолиши аниқланган.

Шумғияга чалинган далаларда бу паразитга қарши чидамсиз уруғ экилган бўлса, кунгабоқар үсимлигининг илдизларида шумғия экишдан 4-5 ҳафта кейин кузатила бошлайди.

Юқорида айтилганидек бу паразит гуллашдан олдин, юлдуз саватча пайдо бўлишидан бошлаб катта миқдорда тупроқ устига чиқа бошлайди. Гуллаш даврида бир илдиздан катта миқдорда 50 дан зиёд оробанч пояси кузатилиши мумкин. Илдизларида кўп миқдорда шумғия кузатилган үсимликларда бўй пасаяди, ҳосили ҳам пасаяди.

Асосан иссиқ ва қурғоқчил үтган йилларда шумғиянини кунгабоқар үсимлигига зарари янада ошади.

Қарши кураш: шумғияга чалинган далаларда кунгабоқар

етиштириш режалаштирилган бўлса, бу паразитга қарши чидамли уруғнинг экилиши энг яхши ечим ҳисобланади.

Бу паразитнинг катта зарар келтириш эътиборга олиниб, давлат сектори ва керак бўлса шахсий секторда уруғ ишлаб чиқаришни амалга оширган саноатларда бу паразитга қарши чидамли гибрид кунгабоқар турлари ишлаб чиқарилган.

Бу паразитга қарши кимёвий усулда тавсия этилган препаратлар ёрдамида курашиш мумкин.

Маҳаллий усулда курашишда эса бир майдонга кетма-кет кунгабоқарни экмаслик, аксинча ўтмишдан экинлар: буғдой, арпа, жӯхори, лавлаги, пахта ва бошқа дон-дуккакли экинлардан бўшаган майдонлар билан алмашлаб экилиши тавсия этилади.



Шумгия (*Orobanche*) ни кунгабоқарга зарари

■ | ҲОСИЛНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ

Кунгабоқар ўсимлигининг ташқи куриниши ва рангига қараб пишиб этилганлигини аниқлаш мумкин. Кунгабоқар ҳосили пишиб этилганида ўсимликларнинг пояси, япроқ ва саватчалари тамоман қуриб жигаррангга айланади. Ҳосилни

Йиғиш давридан олдин кунгабоқар саватчаларидаги уруғлар-нинг намлиги 9,5% дан юқори бўлмаслиги лозим.

Агар, намлик юқори даражада бўлган ҳолатда ҳосил йиғилган бўлса, саватлардан ажратиб олинган писталарни қуритиш керак. Шунингдек, пишиб етилган саватдаги писталар ўз вақтида йиғиб олинмаса яъни йиғиб олиб ишлари ҳаддан зиёд кечиктирилса қушлар катта зарар келтиради ҳамда саватдаги уруғларнинг тўкилиши ортишига олиб келади.

Кунгабоқар ҳосилида ўрим-йиғим машинасининг ҳосилни камайтиришини пасайтириш мақсадида, мувофиқ цилиндр тезлиги, хирмонни бошқариш мосламасининг очилиши, вентилятор, элакни созлаш керак. Ҳосилда ўрим-йиғим машинасининг олд ўриш қисми созланган бўлиши ва мувофиқ баландлиқда, вақтида ҳосил йиғиб олиниши керак.

Ҳаддан ташқари тепадаги ҳосилни йиғиш ярим қия ўсимликларнинг ўрим-йиғим машинасининг олд ўриш бара-банига олинишига тўсқинлик қилиб, кунгабоқар саватчаси ва бунга боғлиқ писта ҳосили йўқотилишига сабаб бўлади. Хавфсиз ҳолатда сақлаш учун кунгабоқар писталаринамлиги 9,5 фоиздан ошмаслиги керак.

Кунгабоқар қурғоқчиликка чидамли ўсимлик, аммо ҳаддан зиёд шиддатли қурғоқчиликда ҳосилдорлик камайиб кетиши аниқланган. Кунгабоқар етиштирувчилар ўз вақтида ва меъёрида суғориш имкониятига эга бўлишса, кунгабоқар экилган далалардан олинадиган ҳосилдорликни ортишини таъминланишлари мумкин бўлади.

Кунгабоқар етиштирувчи хўжалик дехқонлари ушбу қўлланмада келтирилган маълумотлардан мақсадли фойдаланишса майдон бирлигидан юқори ҳосил олишлари ва иқтисодий самарадорликка эришишлари мукин бўлади.

Кунгабоқарнинг пишиб етилган ҳосили дон комбайнла-

рида маҳсус мослама билан фақат саватлари ўрилади. Сўнгра поялар ўриб олиниди, майдаланиб ширали озиқларга кўшилиб силосланади. Саватларнинг 60-65% қисми қорайгандага ҳосил йигими бошланади. Сақланадиган уруғларнинг намлиги 13 % дан ошмаслиги лозим.

Кунгабоқар етиштириш бўйича янада батафсил маълумотларга эга бўлишни истаганлар туманлардаги қишлоқ хўжалик бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг Самарқанд, Термиз, Нукус филиаллари, Ўсимлик генетик ресурслари ИТИ ва бошқа кунгабоқар экинини тадқиқ этувчи институт ходимларига мурожат қилиб, кўмак олишлари мумкин.



Кунгабоқар ҳосилини комбайнлар ёрдамида йигиб олиш жараёни

 | ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атабаева Х.Н., Худайқулов Ж.Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент-2018 йил. 407 бет.
2. Азизов Т., Анорбоев И., Тухтаева С. Такрорий кунгабоқар етиштириш бўйича тавсиялар. <https://agro.uz/uz/services/recommendations/4613>.
3. Кенжаев Ю, Насиров Б., Турсунқулов А. Бегона ўтлар биологияси, зарари ва уларга қарши кураш чоралари. Илмий-оммабоп қўлланма. Тошкент-2018 йил. 5-10 б.т. 212 бет.
4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигига тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.
5. Ўзбекистон қ/х экинлари Давлат Реестри. 2018-2021 йй.
6. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар. Т.2016. журнал II қисм. 214 бет.
7. AYÇİÇEĞİ YETİŞTİRİCİLİĞİ. DenizBank. Turkiye, Ankara 2012, 57-b.
8. Volkan Gül, Erdogan Ozturk, Murat Sezek. Ayçiçeği Bitki Artıklarının Organik Tarım Amaçlı Değerlendirilmesi// Turkish Journal of Agriculture - Food Science and Technology.

9. [http://www.FAO.stat.com.2021.](http://www.FAO.stat.com.2021)
10. [https://latifundist.com/en/rating/uzhe-razlili-maslo-rejting-proizvoditelej-podsolnechnika. TOP 10 Sunflower Producing Countries in 2019.](https://latifundist.com/en/rating/uzhe-razlili-maslo-rejting-proizvoditelej-podsolnechnika. TOP 10 Sunflower Producing Countries in 2019)
11. Billy E. Warrick, Extension Agronomist. Sunflower-Production Guide.[https://sanangelo.tamu.edu/extension/agronomy/agronomy-publications/sunflower-production-guide.](https://sanangelo.tamu.edu/extension/agronomy/agronomy-publications/sunflower-production-guide)

10.000 сүн
42.14
К 92

Кунгабоқар етиштириш [Матн]: илмий нашр / «Агробанк»
АТБ.-Ташкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 56 6.

ISBN 978-9943-7169-9-5

УЎК 634.8.042:633.854.78
КБК 42.14

**Лойиха ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ**

100 китоб тўплами

КУНГАБОҚАР ЕТИШТИРИШ

43-китоб

**Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021**

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гурӯҳи

Муҳаррир-мусахҳих:
М. Тожимаматова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайдадаҳмадов

Дизайнер:
С. Дониёров

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишига 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/₁₆
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 10.000 нусха. Буюртма рақами: 2259

**Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021**

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1A.